

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 807-ҳадис

807 - وَعَنْ أَبِي ذَرِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ، وَلَا يَكْتُبُهُمْ، وَهُمْ عَذَابُ أَلِيمٌ»، قَالَ: فَقَرَأَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ. قَالَ أَبُو ذَرٍّ: حَابُوا وَحَسِرُوا!! مَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «الْمُسْبِلُ، وَالْمَنَّانُ، وَالْمُنْفِقُ سَلَعَتُهُ بِالْحَلْفِ الْكَاذِبِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [106].

وَفِي رِوَايَةٍ لَهُ: «الْمُسْبِلُ إِزَارَةٌ».

807. Абу Зарр розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уч киши борки, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмайди ҳам, назар ҳам солмайди, покламайди ҳам. Уларга аламли азоб бор»**, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бунини уч марта айтдилар. Абу Зарр: «Ноумид бўлишибди, зиён кўришибди. Улар ким, эй Аллоҳнинг Расули?» деди. У зот: **«(Кийимларини) судраб юрувчи, миннатчи ва ёлғон қасам билан молини ўтказувчи»**, дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Имом Муслимнинг бошқа ривоятида **«Изорини судраб юрувчилар»**, бўлиб келган.

Шарҳ: Такаббурлик билан, ўзини кўрсатиш учун кийимни осилтириб, ерга теккизиб, судраб юриш ҳаромдир. Аммо бу мақсадда бўлмаса, зарари йўқ.

Ушбу ҳадисдаги уч амални қилувчилар қиёмат куни жуда оғир аҳволга тушиб қолиши таъкидланмоқда. Чунки Аллоҳ таолонинг қиёмат кунинда бир бандага гапирмаслиги, назар ҳам солмаслиги, айниқса, уни покламаслиги оғир мусибатдир. Келинг, ўша уч ишни қилувчилар кимлардан иборат

эканини ўрганиб чиқайлик:

1. «Берганини миннат қилувчи».

Аслида у бировга берган нарсани унга Аллоҳ берган эди. Ўша Аллоҳ берган нарсани Аллоҳнинг йўлида берганидан кейин миннат қилиши шартмиди?! Энди бу банда миннат қилдими, демак, қилганига яраша жазосини тортиши керак. Бу дунёда муҳтож кишини хижолат ва мулзам қилгани эвазига у дунёда ўзи хижолат ва мулзам бўлади. Аллоҳ таоло унга гапирмайди, назар солмайди ва покламайди.

2. «Кийимларини фахр ила судраб юрувчи».

Бу дунёда кийими ила кибру ҳаво, фахр қилиб, мискин ва фақирлар олдида ўзини кўрсатиб керилган, уларнинг кўнглини синдирган одам у дунёда кўнгли синиш, эътибор назаридан четда қолиш қандоқ бўлишини ўз танасида синаб кўради.

3. «Ёлғон қасам ила савдо молини ўтказувчи».

Харидорни ишонтириш учун ўтмас матоҳини қасам ичиб мақтаган одам ҳам қиёмат куни оғир аҳволга тушади. Аллоҳ таоло унга ҳам гапирмайди, назар солмайди ва уни покламайди.

Шундоқ бўлганидан кейин берган хайр-эҳсон ва садақаларимизни миннат қилмаслигимиз, кийим-бошларимиз билан фахрланмаслигимиз, савдода молимизнинг айбини беркитиш учун мақтаб, уни ўтказиш учун қасам ичмаслигимиз керак.

Манба: hadis.islom.uz

